

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ҚАРШИЕВ ҒУЛОМЖОН САЙФУЛЛАЕВИЧ**

**ЁШЛАР РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ КРИМИНОЛОГИК  
ТАВСИФИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy PhD)**

<b>Қаршиев Гуломжон Сайфуллаевич</b> Ёшлар рецидив жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикаси.....	3
<b>Қаршиев Гуломжон Сайфуллаевич</b> Криминологическая характеристика и профилактика рецидивной преступности молодёжи.....	23
<b>Karshiev Gulomjon Sayfullaevich</b> Criminological description and prevention of recidivism of youth.....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ҚАРШИЕВ ҒУЛОМЖОН САЙФУЛЛАЕВИЧ**

**ЁШЛАР РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ КРИМИНОЛОГИК  
ТАВСИФИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1. PhD/Үу267-рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatlnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Закирова Адина Гулямовна**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Тахиров Фарход**  
юридик фанлар доктори, профессор  
**Отажонов Аброржон Анварович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси**  
**Академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Үу.25.02 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 28 декабрь куни соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: [info@akad.mvd.uz](mailto:info@akad.mvd.uz)).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1071-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2020 йил 16 декабрь куни тарқатилди.

(2020 йил 16 декабрдаги 31 рақамли реестр баённомаси).

**А.С. Турсунов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Дж.Х. Юлдашев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

**Р. Кабулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ёшлар жиноятчилиги билан боғлиқ қоидалар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенциясида<sup>1</sup> ва ҳар бир давлатнинг миллий қонун ҳужжатларида белгиланган. Дунё аҳолисининг 30 фоизини<sup>2</sup> ёшлар ташкил этаётган бугунги кунда ёшлар рецидив жиноятчилиги профилактикасининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш зарурати мавжуддир, чунки ҳар йили рецидив жиноят содир этган 1 миллион 50 мингдан ортиқ ёшлар ваколатли органлар томонидан назоратга олинади<sup>3</sup>. Жумладан, Европа давлатларида ёшларнинг учдан бир қисми илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноятлар содир этаётганликлари рўйхатга олинмоқда. Ушбу ёшларнинг 300 мингтаси янги содир этган жиноятлари учун озодликдан маҳрум қилиш жойларига қайтарилмоқда<sup>4</sup>. Мазкур ҳолатлар ёшлар рецидив жиноятчилиги профилактикасини такомиллаштиришга оид муаммоларнинг ечимини топиш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Жаҳонда рецидив жиноят содир этган ёшларнинг ҳулқ-атворини (таъсирчан) назорат қилиш, уларнинг ахлоқини тузатиш ва қайта тарбиялаш, жамиятга ижтимоий мослаштириш, оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, ёшлар рецидив жиноятчилигининг сабаблари ва унга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ёшлар рецидив жиноятчилиги профилактикаси самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий асосланган ечимларини топишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда ёшларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва таълим-тарбия тизимини янги босқичга олиб чиқиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ 2016 – 2019 йилларда ёш рецидивистлар (18 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган) умумий судланганларнинг 28,6 фоизини ташкил этиб, уларнинг 16,1 фоизи илгари қасддан содир этган жинояти учун судланган, 12,7 фоизи судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этганлиги<sup>5</sup> ёшларнинг ахлоқини тузатиш ва тарбиялаш, ёшлар рецидив жиноятчилиги профилактикасини такомиллаштириш, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун нормалари самарадорлигини оширишнинг ҳозирда ҳам долзарб эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни (2016), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

<sup>1</sup> <https://www.google.com/url?sa=t&source=web&rct=j&url=https://www.lex.uz/acts/1297315&ved=2ahukewjowvpkg61qahur4aqkhrgrdneqfjabegqiahac&usq=aovvaw3svbccffp1vvgrluia-r8v>.

<sup>2</sup> <https://daryo.uz> (20.12.2019 йил).

<sup>3</sup> <https://www.google.com/url?sa=t&source=web&rct=j&url=http://wp.unil.ch/space/files/2017/03>.

<sup>4</sup> <https://www.pewtrusts.org/en/research-and-analysis/articles/2018/10/31/1-in-55-us-adults-is-on-probation-or-parole>.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тезкор-маълумотлар бошқармасининг 2016 – 2019 йиллардаги статистик маълумотлари таҳлили.

стратегияси тўғрисида»ги (2017), «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018), «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2020), «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2020) фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида илгари сурилган «Ўзбекистон ёшлари – 2025» концепциясининг ишлаб чиқилиши ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикасига оид ҳуқуқий нормаларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари Қ.Р. Абдурасулова, З.А. Амиров А.Г. Закирова, З.С. Зарипов, И. Исмаилов, Р. Кабулов, Қ. Мирзажанов, А.А. Отажонов, Ю.С. Пулатов, М.А. Ражабова, А.К. Расулев, М.Х. Рустамбаев, С.Б.Хўжақулов, Ш.Р.Ғофуровларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Қ.Р. Абдурасулова, А.Г. Закировлар аёллар, шу жумладан ёш хотин-қизлар жиноятчилигининг олдини олиш, З.А. Амиров И. Исмаилов, Н.Т. Исмоилов, С.Б.Хўжақуловлар вояга етмаганлар ва ёшлар жиноятчилигининг умумий профилактикасини такомиллаштириш, Ш.Р. Ғофуров уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этганлар. М.Х. Рустамбаев, А.А. Отажоновлар ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ёшларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини ўрганганлар.

Хорижлик олимлар: М.Ю.Калинкина, Д.М.Кафарова ёшлар рецидив жиноятчилигининг тушунчаси ва ўзига хос жиҳатлари, С.В.Максимова, М.Н. Гернет, Ю.А.Вакутина, А.И.Гурова, С.Я.Лебедева, Е.Ф.Побегаило, Д.А.Корецкий, О.В.Старковлар ёшлар касбий ва рецидив жиноятчилигининг олдини олиш ва унга қарши курашиш муаммолари, Д.Ю. Алипханова, Е.Алауханов, А.П.Алексеева, А.А.Бакаев илгари қасддан содир этган жинояти учун судланган ёшларнинг жавобгарлиги, Н.Н.Большова, А.Б.Гусейнов, Д.Н.Дородонова, ёшларнинг ўхшаш жиноятларни такроран содир этиш сабаблари, А.И.Морозов, И.Р.Мороков, А.Тукеев,

А.А. Чекалиналар рецидив жиноят содир этган ёшларнинг хусусиятларини тадқиқ этганлар.

Бироқ ушбу тадқиқотларда ёшлар рецидив жиноятчилигининг айрим жиҳатлари ўрганилган, республикада ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикаси билан боғлиқ муаммолар юзасидан комплекс тадқиқотлар олиб борилмаган<sup>1</sup>. Шунингдек, жиноятчилик профилактикаси тизимида амалга оширилган ислохотларнинг натижаларини, амалдаги миллий қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиётини, хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикаси масалалари махсус тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойи жазолар ижросини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари (1.3.4-банди) доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикасига оид масалаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва ушбу фаолиятни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикасини тадқиқ этиш асосида уларга оид таянч тушунчаларнинг моҳиятини очиб бериш;

ёшлар рецидив жиноятчилигининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида уларнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш;

ёшлар рецидив жиноятчилигига имкон бераётган омиллар, сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш;

ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикасини таъминлашда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш;

ички ишлар органларининг ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикасига оид фаолияти йўналишларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикаси соҳасидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда анализ ва синтез, дедукция ва индукция, мантиқийлик, анкета сўровлари, жиноят ишларини ўрганиш, статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

---

<sup>1</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар руйхатида келтирилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ички ишлар вазирлиги тегишинча Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси ҳамда Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаларида маънавий-маърифий ишларнинг замонавий усул ва шаклларида фойдаланилган ҳолда соғлом ва жисмонан бақувват, руҳан тетик, билимли, ватанпарвар, фидойи, дунёқараши кенг тарбияланувчиларни, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаши лозимлиги асосланган;

тарбияланувчиларда меҳнат кўникмалари ва мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларни касбга йўналтириш ва бўш вақтларини самарали ташкил этиш мақсадида касбга ўргатиш, қизиқишлари ва касбий қобилиятини баҳолаб бориш орқали меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларни танлаши учун кўмаклашиш лозимлиги исботланган;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларнинг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари сифатида: ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятда иштирок этиш; ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш; ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш; ёш фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўриш; ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлиги йўналишларини Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг буйруғида белгилаш зарурлиги асосланган;

профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, «ёшлар», «ёшлар рецидив жиноятчилиги», «ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикаси» тушунчаларига назарий-ҳуқуқий тавсиф берилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар иборат:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 октябрдаги 880-сон қарори билан тасдиқланган «Республика ўқув-тарбия муассасалари тўғрисида»ги Низомнинг 10-бандига Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ички ишлар вазирлиги тегишинча Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси ҳамда Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаларида маънавий-маърифий ишларнинг замонавий усул ва шаклларида фойдаланилган ҳолда соғлом ва жисмонан бақувват, руҳан тетик, билимли, ватанпарвар, фидойи, дунёқараши кенг ёшларни шакллантириш, тарбияланувчиларни ватанга садоқат руҳида тарбиялашга масъул ҳисобланишини белгиловчи қонданинг киритилиши ёшлар рецидив жиноятларига барҳам бериш ва уларни барвақт аниқлаш ҳамда олдини олишга хизмат қилади.

Олий таълим муассасалари ўқув режасига «Ювенология» фанини киритиш амалиётининг жорий қилиниши, ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, уларнинг дунёқарашини шакллантириш ва ёшлар таълимоти ҳақидаги билимларини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Жамоатчилик ташкилотларининг кафилликка олиши муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш»га оид норма билан тўлдирилиши ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва қонун ҳужжатларини инсонпарварлик тамойилига мослаштирилишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқотни ўтказишда илмий билишнинг умумий ва махсус усулларида кенг фойдаланилган. Тадқиқот натижалари қонунчилик нормалари, илғор хорижий тажрибалар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси назариясида умумэтироф этилган қоидалар ва бошқа ишончли манбалар, етарли илмий далиллар асосида исботланган. Ёшлар рецидив жиноятчилиги профилактикасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан самарали ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган илмий натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикаси масалалари бўйича 152 нафар ички ишлар органлари бошлиқларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ўринбосарлари ҳамда 402 нафар жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахсларнинг фикрларини ўрганиш учун сўровномалар ўтказилган, 104 та ёшлар томонидан содир этилган рецидив жиноят ишлари билан боғлиқ материаллар ўрганилган, зарур статистик маълумотлар таҳлил қилинган. Ўрганиш ва таҳлиллар натижалари умумлаштирилган ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикасини тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, тегишли қонун нормаларини шарҳлашда, криминология ва виктимология фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, янги илмий-тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ёшлар рецидив жиноятчилиги профилактикасини такомиллаштириш, бу борада давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлигини ташкил этиш, шунингдек, ёшлар рецидив жиноятчилигининг барвақт олдини олиш субъектлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ва чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ёшлар рецидив жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ички ишлар вазирлигининг ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланувчиларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга масъуллигини белгилашга қаратилган таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 октябрдаги 880-сон «Республика ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини

ташқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Низомининг 10-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 14 майдаги 12/20-1-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ички ишлар вазирлиги бўлинмаларининг ёшлар рецидив жиноятларининг барвақт профилактикасини такомиллаштиришга хизмат қилган;

тарбияланувчиларда меҳнат кўникмалари ва мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларни касбга йўналтириш ва бўш вақтларини самарали ташқил этиш мақсадида касбга ўргатиш, қизиқишлари ва касбий қобилиятини баҳолаб бориш орқали меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларни танлаши учун кўмаклашиш борасидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 октябрдаги 880-сон «Республика ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини ташқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Низомининг 140-банди биринчи хатбошисини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 14 майдаги 12/20-1-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг татбиқ этилиши ёш тарбияланувчиларни ўқув-тарбия муассасасида бўлган давр мобайнида касбга ўргатишга доир фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларини ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятини ташқил этиш ҳамда уларнинг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларини белгилашга доир таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 12 июлдаги 151-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташқил этиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 11-банди 8-хатбошиси, 50, 54, 56-бандлари, 57-бандининг 1–5-хатбошилари ҳамда 121-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг 2020 йил 16 июндаги 26/7-1740-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларининг аниқ белгиланишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та (1 та халқаро, 1 та республика миқёсидаги) илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та, жумладан диссертациянинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 8 та (улардан 2 таси хорижда) мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертация ишининг асосий матни 143 бетни ташқил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ёшлар рецидив жиноятчилигининг кримнологик тавсифи**» деб номланган бўлиб, у ўз ичига иккита параграфни қамраб олади. Ушбу бобда «ёшлар», «ёшлар рецидив жиноятчилиги», «ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикаси» тушунчаларининг назарий-ҳуқуқий таҳлили, ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикасини такомиллаштириш зарурати таҳлил қилинган.

Диссертантнинг фикрича, ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикасини такомиллаштиришда, авваламбор, унинг илмий-назарий асосларини, жумладан «ёшлар рецидив жиноятчилигининг» тушунчаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига ойдинлик киритиш талаб этилади. Муаллиф бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг концептуал қарашлари (ғоялари) ҳамда ҳуқуқшунос олимлар (Қ.Р.Абдурасулова, А.Г.Закирова, И.Исмаилов, З.С.Зарипов, О.М.Махкамов, Ж.С.Мухторов, А.К.Расулев, А.А.Отажонов, М.Х.Рустамбаев, М.Қ.Ўразалиев, Ш.Р.Ғофуровлар)нинг фикрларига мурожаат қилган ҳолда рецидив жиноятларни содир этган ёшлар тоифасига кирувчи шахсларга хос бўлган қуйидаги хусусиятларини:

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар; илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин, янги қасддан оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлар; ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасининг пастлиги; ҳеч қаерда ишламаслиги ёки ўқимаслиги; салбий таъсирларга, шу жумладан «оммавий маданият» ва ёт ғоялар таъсирига берилувчанлиги; ижтимоий ҳаётда муайян аниқ мақсадга эга эмаслиги; ўн саккиз ёшга тўлганлиги ва ўттиз ёшдан ошмаганлигини кўрсатган.

Шунингдек, муаллиф ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра қуйидагиларни рецидив жиноятни содир этган ёшларга хос бўлган асосий хусусиятлар сифатида эътироф этиш лозимлигини таъкидлаб ўтади: иш билан банд бўлмаганлиги (62 фоиз); ўқимаганлиги (18 фоиз); бирон-бир машғулот билан шуғулланмаганлиги (12 фоиз); «оммавий маданият» ва ёт ғоялар таъсирига берилишга мойиллиги (8 фоиз).

Тадқиқотчи ёшлар рецидив жиноятчилигининг кримнологик тавсифига тўхталиб, бу борада кримнология назариясида ҳам, қонун ҳужжатларида ҳам ушбу тушунча хусусида аниқ, ягона фикр мавжуд эмаслигини изоҳлайди. Шунингдек, Ўзбекистонда **ёшлар** – ўн тўрт ёшга

тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар деган фикрни асослантиради.

Муаллиф диссертация ишида қуйидаги тушунчаларни илмий жиҳатдан асослантириб берган:

**«Ёш рецидивист** – жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин, янги қасддан оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган 14 ёшга тўлган 30 ёшдан ошмаган шахслар тоифаси» ва **«ёшлар рецидив жиноятчилиги** – илгари қасддан содир этган жинояти учун судланган 14-30 ёшдаги шахслар томонидан муайян ҳудудда маълум вақт мобайнида содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноятлар йиғиндиси. Бунда 18 ёшга тўлгунига қадар содир этган жиноятлар шахсни рецидивист деб топишда эътиборга олинмайди.

Муаллифнинг фикрича, ёшлар рецидив жиноятчилигининг содир этилишига имкон бераётган омилларни мазмун-моҳиятига кўра шартли равишда: ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва ташкилий-бошқарув соҳаларидаги омилларга ажратган ҳолда ўрганиш бу борада тизимли, изчил ва чуқур ёндашиш, унга ваколатли субъектларни мақсадли йўналтириш, соҳада юзага келаётган муаммоларнинг ечимига хизмат қилувчи илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Диссертант рецидив жиноят содир этган ёшларни ўрганишда уларни қуйидаги белгиларга кўра:

*биринчидан*, ёш рецидив жиноятчиларнинг ижтимоий-демографик белгилари (жинси, ёши, касби, оилавий аҳволи ва ҳ.к.);

*иккинчидан*, ёш рецидивист жиноятчининг маънавий-руҳий белгилари (алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик касаллигига чалинган, қиморбоз, фоҳиша, бесоқолбоз, жиноят содир этган ёшлар қабилар)ни ўрганиш заруратини изоҳлаган.

Ишда хорижий давлатлар тажрибасига таянган ҳолда ёшлар рецидив жиноятчилиги профилактикасини такомиллаштиришда АҚШ, Буюк Британия, Беларусь Республикаси, Канада, Норвегия, Германия, Нидерландия, Швеция давлатларида қўлланилаётган жиноятчиликка қарши курашишнинг «мутлақ муросасизлик» («zero tolerance»), «Қўшнилар назорати (neighborhood watch)», «Жиноятчиликни тўхтатамиз (crimes stoppers)» каби қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур ўрганиш асосида жиний жавобгарлик, шу жумладан ёшлар рецидив жиноятчилигининг барвақт олдини олиш натижасида самарали ютуқларга эришиш мумкинлигини асослаб берган.

Муаллиф тадқиқот ишида ёшлар рецидив жиноятчилигининг барвақт олдини олиш долзарб муаммо эканлиги, бу муаммони ечишда чуқур илмий-назарий билимга ва амалий тажрибага эга бўлиш талаб этилишини, хусусан, барча йўналишда бўлганидек, жиноятчиликка қарши курашда, шу жумладан, ёшлар рецидив жиноятчилигининг барвақт олдини олиш учун, биринчи навбатда, ёшларда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни юксалтириш, маънавий-маърифий, оилада таълим ва тарбиявий ишларни амалга ошириш,

ёш авлодни тўғри тарбиялаш бугунги кунда давлат ички сиёсатининг муҳим йўналиши эканлигига асосланган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ёшлар рецидив жиноятчилигининг сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар таҳлили**» деб номланиб, унда ёшлар рецидив жиноятчилигини тақозо этувчи қуйидаги омиллар илмий таҳлил қилинган:

*биринчидан*, ёшлар рецидив жиноятчилиги сабабини тақозо этувчи омиллар жамиятда объектив мавжуд, яъни улар ижтимоий ҳаётдаги, ҳодиса, воқеа ва жараёнлардан иборатдир;

*иккинчидан*, ёшлар рецидив жиноятчилиги ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги) шаклида намоён бўлганлиги учун ҳам уни тақозо этган омиллар ҳам ижтимоий-психологик хусусиятга эгадир;

*учинчидан*, ёшлар рецидив жиноятчилигини тақозо этувчи ҳар бир омил ўз сабабига эгадир, ҳар бир оқибат эса янги оқибатни келтириб чиқаради;

*тўртинчидан*, ёшлар рецидив жиноятчилигини тақозо этувчи омиллар айрим ҳолда сабаб ва бошқа бир ҳолатда эса шароит сифатида намоён бўлади. Сабаб ва шароит ўзаро алоқада бўлгандагина оқибат келиб чиқади.

Юқоридаги қоидаларга асосланган ҳолда, муаллиф ёшлар рецидив жиноятчилигини тақозо этувчи омилларни ёритишда фалсафадаги детерминизм тушунчасидан фойдаланган. Детерминизм сабабий боғланишдан кенгроқ тушунча бўлиб, бир-бирини тақозо этувчи омиллар (сабаб ва шароитлар) йиғиндисини ва алоқасини кўрсатади, деган хулосага келган.

Диссертант айрим хорижий давлатлар қонунчилигига таяниб, ёшлар рецидив жиноятчилигига оид нормаларини қиёсий таҳлил қилиш асосида ҳозирги кунда мамлакатимиз жиноят қонунчилигига мувофиқ рецидив жиноятларни содир этган ёшларга жазо тайинланганида ҳам уни кейинги ижтимоий ҳаётга мослаштириш зарурати мавжуд, деган хулосага келган. Сабаби, жазони ижро этиш муассасаларидан жазо муддатини ўтаб чиққан ёшларни касбга йўналтириш ижобий самара бераётганини қайд этган.

Тадқиқотчи юридик адабиётлар, социологик сўров натижалари, мавзуга оид статистик маълумотлар таҳлиliga асосланиб, ёшлар рецидив жиноятчилигини келтириб чиқарувчи омилларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратади: а) ёшлар онгидаги носоғлом маънавий-руҳий муҳит; б) ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясининг заифлиги ёки сустлиги; в) ёшларда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг мавжудлиги; г) ёшларнинг моддий етишмовчилиги ва қийинчиликлари; д) ёшларнинг спиртли ичимликка ружу қўйганлиги.

Ишда ёшлар рецидив жиноятчилигига кўп ҳолларда оилавий низолар сабаб бўлиб, бу ҳол тан жароҳати етказиш, ҳақорат қилиш, қийнаш, хавф остида қолдириш, баъзида эса қасддан одам ўлдиришгача ҳам олиб келиши мумкин. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ёшлар томонидан ушбу қилмишлар содир этилишига олиб келувчи асосий омил – оиладаги носоғлом муҳит оқибатидир. Муаллиф оиладаги носоғлом муҳит ота-онанинг ёшлар тарбиясига масъулиятсизлиги билан боғлиқми, ёшларда салбий хулқ-

атворнинг пайдо бўлишига олиб келадими ва бугунги куннинг ёки даврнинг тарбияси қандай? деган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилган.

Диссертант суд-тергов материаллари таҳлилига асосланиб, ёшлар рецидив жиноятчилигининг ҳар учинчисига оиладаги носоғлом муҳит сабаб бўлган деган хулосага келган. Жумладан, диссертация ишида оилада маънавий тарбиянинг етарли эмаслиги, ота-оналарнинг ичкиликка берилиши, ахлоқий бузуқлиги, жоҳиллиги ёшлар ахлоқига, оиладаги носоғлом ва номақбул муҳит эса ёшларнинг маънавий шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши асосланган.

Шунингдек, тадқиқот ишида оилада маънавий-ахлоқий тарбиянинг заифлиги ёки сустлиги, *биринчидан*, энг аввало, ота ёки онанинг маънавий-ахлоқий тарбиясининг пастлиги билан боғлиқ эканлиги, *иккинчидан*, унинг оилада ўсиб келаётган ёшлар хулқ-атворида салбий хусусиятларнинг шаклланишига олиб келиши, *учинчидан*, ёшлар рецидив жиноятчилигини келтириб чиқариши, *тўртинчидан*, ёшлар ўртасида салбий муносабатларнинг юзага келишига ўз таъсирини кўрсатиши исботланган.

Муаллиф ишда ёшлар рецидив жиноятчилигига хос хусусият, яъни ишсизликнинг салбий оқибатлари ҳақида тўхталиб, у жиноятчилик билан бевосита боғлиқ, уни озиклантиради ва ўсишига хизмат қилади, деган хулосага келган. 2017 – 2019 йилларда 14 ёшдан – 30 ёшгача бўлган шахслар томонидан содир этилган жами 4251 та рецидив жиноятнинг 1417 тасини, яъни 33,1 фоизини аниқ иш жойига эга бўлмаган ёшлар содир этган.

«Ишсизлик» тушунчаси жамиятда ёшлар рецидив жиноятчилигини келтириб чиқарувчи криминоген ҳолатлар билан узвий боғлиқдир. Диссертант рецидив жиноят содир этган ёшларнинг 34,6%ни ишсиз эканлигидан келиб чиқиб, ушбу жиноятчиликнинг асосий сабабларидан бири ишсизлик деган фикрни илгари сурган.

Ишда *ёшлар рецидив жиноятчилигининг сабаблари* – рецидив жиноятчиликнинг содир этилишини тақозо этган, уни озиклантирадиган, кўпайишини таъминлайдиган ҳодиса, воқеа ва жараёнлар йиғиндиси бўлса, *жиноятчилик шароитлари* жиноятчиликни бевосита келтириб чиқармайдиган, лекин унинг содир этилишига имкон берадиган, шароит яратадиган ҳодиса, воқеа ва жараёнлар мажмуидир, деган таъриф берилган. Сабаблар, ижтимоий-психологик ҳолатлар бўлса, уларга имкон бераётган шарт-шароитлар эса иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан юзага келтирувчи ҳолат ҳисобланиши таъкидланган.

Диссертациянинг «**Ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикасини такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикаси тушунчаси, хусусиятлари таҳлил қилиниб, унинг чора-тадбирларини такомиллаштиришга доир таклиф, тавсиялар ишлаб чиқилган.

*Ёшлар рецидив жиноятчилигининг олдини олиш* – жамият ва алоҳида ижтимоий субъектлар томонидан ёшлар рецидив жиноятчилигининг сабаблари ва шароитларини аниқлаш, бартараф этиш ёки уларнинг криминал хусусиятларига эга бўлган таъсирини йўқотиш, кучсизлантириш, шу

жумладан, жиноят қонунчилигида белгиланган тақиқларни бузган ёхуд шундай хатти-ҳаракатларни содир этишга мойил бўлган ёшларга тарбиявий профилактик таъсир чораларини кўрсатишдир.

Диссертант Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ёшлар рецидив жиноятчилигининг умумий, махсус, якка тартибдаги, виктимологик профилактикаси каби турларини комплекс қўллаган ҳолда олдини олиш чоралари амалга оширилиши лозимлигини таъкидлайди.

Диссертацияда ички ишлар органларининг ёшлар рецидив жиноятчилиги профилактикасини такомиллаштиришнинг умумий, махсус, якка ва виктимологик профилактикасини амалга ошириш амалиётидаги қуйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланган: а) ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика ва ҳудудий идоралараро комиссияларининг ишчи органи бўлишига қарамай, ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикасини такомиллаштириш бўйича махсус давлат, соҳавий ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш борасида ташаббус кўрсатмаётгани; б) ички ишлар органлари ўзларига бириктирилган маъмурий ҳудудлардаги 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар билан боғлиқ бўлган рецидив жиноятчиликнинг барвақт профилактикаси бўйича ҳуқуқий тартибот ишларини манзилли ва тизимли ташкил этмаётганлиги; в) алкоголь ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида маст ҳолда содир этган ёшлар жиноятчилигининг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича махсус профилактик тадбирларнинг етарли эмаслиги; г) ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар таҳлилларидан келиб чиқиб, улар орасида «Ўқувчи», «Давомат», «Ўсмир», «Ғамхўрлик» каби махсус профилактика тадбирларининг манзилли ва самарали ташкил этилмаётганлиги; д) профилактика инспекторлари томонидан ёшлар рецидив жиноятчилигининг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини қўллашда жиноят содир этишга мойил бўлган ёшларнинг, улар яшаётган оиладаги ижтимоий, маънавий-руҳий муҳитнинг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинмаётганлиги; е) ҳулқ-атвори жиноят содир этишга мойил бўлган ёшлар ва нотинч оилалар билан якка тартибдаги профилактика иши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилмаётганлиги; ж) ички ишлар органларининг ёшлар дуч келаётган долзарб муаммолар, уларнинг барқарор ривожланишига тўсиқ бўлаётган таҳдидларни аниқлашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилмаётганлиги; з) муайян турдаги жиноят туфайли ёшларга маънавий-руҳий, жисмоний ва моддий етказилган зарар миқдорини аниқлаш ҳамда қоплаш масаласи очик қолаётганлиги; и) тарбияси оғир ёшлар билан ишлаш, уларнинг ижтимоий мослашувиغا кўмаклашиш амалиёти ҳозирги кун талабига жавоб бермаслиги.

Диссертант ёшлар рецидив жиноятчилигининг барвақт профилактикасини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш учун: а) ёшларга оид муносабатларни тартибга солувчи, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилаётган амалдаги қонун ҳамда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига давр талабидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш; б) ижтимоий ҳимояга муҳтож, айниқса, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар беришни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш; в) ёшлар таълим-тарбияси ва ҳимояси учун ота-она масъулиятини ошириш борасида кенг жамоатчилик назоратини кучайтириш; г) ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш ва барча кўринишдаги таҳдидлардан ҳимоя қилиш бўйича оила ва таълим муассасалари билан улар ўртасида ҳамкорликни ташкил этиш; д) ёшлар ўртасида «Намунали оила»га бағишланган соғлом турмуш тарзи, намунали ва аҳил оила кадриятларини тарғиб қилувчи ижодий кечалар ва тадбирлар ўтказиш; е) ёш авлодни ота-онага нисбатан муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида улар иштирокида оилавий кадриятларни мустаҳкамлашга бағишланган ижодий тадбирларни ташкил этиш; ж) ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш; з) «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Ёшлар – келажагимиз», «Хунармандчилик» каби тадбирлар маҳаллада ўтказилиб, бунга ёшларни кенг жалб этиш; и) оилада ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш; й) маҳалла ва оилада ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш; к) ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш кабиларни амалга ошириш зарурлигини асослаган.

Диссертант тадқиқот натижаларига асосланиб, ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикаси самарадорлигини ошириш учун: 1) жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича махсус жамғарма ташкил қилиш; 2) аниқ иш жойига эга бўлмаган ва ишга жойлашмаган ёшларга қисқа муддатда хунар ўргатувчи марказлар фаолиятини йўлга қўйиш; 3) ишсиз ёшларни уста-хунармандларга бириктириш ва уларнинг кунлик фаолиятини мониторинг қилиб бориш; 4) «Фидойи ёшлар отрядлари»ни тузиш орқали ишсиз ёшларни ҳақ тўланадиган жамоат ва мавсумий ишларга жалб этиш; 5) тарбияси оғир ёшлар билан ишлаш, уларни ижтимоий мослаштириш; 6) ёшлар дуч келаётган долзарб муаммолар, уларнинг барқарор ривожланишига тўсик бўлаётган таҳдидларни аниқлаш; 7) ёшларда замонавий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва янги иш ўринларини яратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди.

Муаллиф рецидив жиноятчилик профилактикасини такомиллаштиришда ташкилий, ҳуқуқий, мафкуравий, маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий, ижтимоий, иқтисодий, тарбиявий, тиббий, психологик чора-тадбирларини янада кучайтириш лозим деб ҳисоблайди.

Ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактик чора-тадбирлари: а) ёшларни жиноят содир этишдан тийилишга мажбур қилувчи ёки ундан ихтиёрий қайтишга, жумладан улар томонидан рецидив жиноят содир этишга таъсир қилувчи қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш; б) ёшлар ўртасида ҳуқуқий тартиботни таъминлаш ва уларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш; в) ёшларга оид муносабатларини тартибга солувчи, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилувчи амалдаги қонун ҳамда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга бугунги ва эртанги кунимизнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; г) махсус ҳуқуқий телекўрсатувлар тайёрлаш ва шу орқали ёшларни жиноят содир этишнинг оқибатлари нечоғли аянчли эканлигини кўрсатишга алоҳида эътибор берилиши кераклиги асосланган.

Ёшлар рецидив жиноятчилигининг мафкуравий профилактик чора-тадбирлари: а) ёшларда ватанпарварлик, бағрикенглик, фуқаролик туйғусини янада кўпроқ сингдириш, қонунлар, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши иммунитетни яратиш, уларда ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш; б) ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш; в) ўзбек оилаларининг бой миллий анъаналарига бағишланган, айниқса, оилага бўлган садоқат, ота-онага ҳурмат борасида маънавияти юксак бўлган халқимиз намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди мисолида миллий ҳужжатли фильмлар тайёрлаш; г) мавжуд мафкуравий таҳдидларни аниқлаш, ёшларни улардан сақлашни янада такомиллаштириш зарур ҳисобланади.

Ёшлар рецидив жиноятчилигининг маънавий-ахлоқий профилактик чора-тадбирларига: а) ёшларда маънавий-ахлоқий, миллий, диний, маҳаллий, оилавий, ҳуқуқий қадриятларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш; б) умум эътироф этган ахлоқ-одоб нормаларини ишлаб чиқиш ва кенг оммага тарғиб қилиш; в) ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксалишига хизмат қилувчи кўрсатув, эшиттиришлар тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида намойиш этиш; г) ёшларда жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етиш фазилатларини шакллантириш мақсадида мутахассисларни таклиф қилган ҳолда учрашув, давра суҳбати ва бошқа маърифий тадбирлар ўтказиш; д) таълим жараёнларида ўқувчиларда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш учун амалга оширилиши мумкин бўлган намунавий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш киради.

Ёшлар рецидив жиноятчилигининг маданий-маърифий профилактик чора-тадбирларига: а) республика, вилоят, шаҳар-туман, маҳаллалар, даҳалар, қишлоқ ва овуллар миқёсида турли фестиваллар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, бадий кечаларни уюштириш; б) ёш авлодни ота-онага нисбатан муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга бағишланган ижодий тадбирларни, ёшлар

